

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**ИСКАНДАРОВА ИРОДА РУСТАМОВНА**

**ЛИМФАТИК ДИАТЕЗЛИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ  
ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Искандарова Ирода Рустамовна**

Лимфатик диатезли болаларда сурункали гломерулонефритнинг кечиш хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш..... 3

**Искандарова Ирода Рустамовна**

Особенности течения хронического гломерулонефрита у детей с лимфатическим диатезом и совершенствование лечения..... 25

**Iskandarova Iroda Rustamovna**

Features of the course of chronic glomerulonephritis in children with lymphatic diathesis and improvement of treatment..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**ИСКАНДАРОВА ИРОДА РУСТАМОВНА**

**ЛИМФАТИК ДИАТЕЗЛИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ  
ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib629 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманова Лола Каримовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эълмира Амануллаевна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» октябр куни соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 13 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «21» сентябр даги 114 рақамли реестр баённомаси).



А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Н. Хантов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё бўйича аҳоли орасида пешоб чиқариш тизими патологиясининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тасдиғига кўра, «... дунё бўйича 2011 йилдан буён сурункали буйрак касаллиги (СБК) юрак-қон томир, ўпка касалликлари, ўсмалар ва қандли диабет билан бир қаторда ижтимоий аҳамиятга молик касаллик сифатида тан олинган...»<sup>1</sup>. Бугунги кунда СБК билан оғриган беморларнинг 50 фоизида касаллик сурункали буйрак етишмовчилигининг (СБЕ) III-IV босқичида, 10 фоизида эса терминал босқичда аниқланмоқда. Шу жиҳатдан, СБК ривожланишининг барча хавф омиллари тўлиқ ўрганилмаган ва болаларда касаллик асоратли кечишини олдиндан башорат қилишга ёндошувлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Болаларда СБКнинг кенг тарқалган варианты бўлган сурункали гломерулонефрит (СГН) нефротик шаклини фон патологиялар билан коморбид кечишига хос бўлган клиник-лаборатор ва иммунологик маркерларни аниқлаш, асоратлар ривожланишини эрта прогнозлаш ва даволашни жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш ушбу соҳадаги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг қатор мамлакатларида ҳозирги кунда болалар орасидаги нефротик синдромли (НС) сурункали гломерулонефритни эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш ва асоратларини олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки СГН СБЕнинг сўнгги босқичига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Болалардаги СГН ва НС оқибатида СБЕнинг йилдан-йилга прогрессияланиб бориши ва оғир асоратларнинг ривожланиши улар орасида эрта ногиронлик келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ушбу касалликни даволашда янги технологияларни кўллаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли тиббий хизматни ташкил қилиш, болаларда пешоб тизими касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «... диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда болаликнинг эрта давридаёқ пешоб тизими касалликларини ташхислаш, асоратларини

---

<sup>1</sup> <http://www.who.int/mediacentre>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

эрта олдини олиш ва даволашни юқори замонавий усулларда такомиллаштириш тиббий амалиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2018 йил 12 июлдаги 3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрологик ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда турли хил хавф омилларининг аҳоли саломатлигига таъсири, шу жумладан онада ҳомиладорлик ва туғруқнинг патология билан кечиши, болани сунъий овқатлантириш, ота-онанинг зарарли одатлари, дунё бўйлаб экологик вазиятнинг ўзгариши иммун қаршиликнинг пасайиши ва бунга параллел равишда катталар ва болалар орасида турли хил коморбид патологияларни кўпайиши, шу жумладан лимфатик диатез (ЛД) кўрсаткичининг ортиб бораётгани кузатилмоқда. ЛД- кўпинча 3-7 ёшли ўғил болалар ва мактаб ўқувчилари орасида учрайдиган иммундиатез турларидан биридир. ЛД қиз болаларга нисбатан ўғил болаларда 1,5-2,0 марта кўп учрайди ва тарқалиши 10-12%ни ташкил қилади, лекин сурункали бактериал инфекцияли беморларда 30-35% бўлиб, аксарият ҳолларда юқори инфекция индекси (81%), тимусга боғлиқ иккиламчи иммунетишмовчилик ривожланиши, турли ўткир яллиғланиш жараёнлари, жумладан нефрит, кардит, гепатит ва бошқаларнинг сурункалашуви билан характерланади. [Моисеева О.В., 2010; Возгомент О.В., 2014; Шабалов Н.П., 2016]. ЛДли болаларда организмда кечадиган ўзгаришлар ва диатезнинг бошқа патологиялар билан биргаликда кечишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар адабиёт манбаларида озчиликни ташкил этади [Имаева Л.Р., 2011; Сиротина О.Б., 2012; Щербак В.А, 2014; Phyllis W.S., 2018]. Шу билан бирга, ҳозирги кунда маълум бўлдики, иккиламчи иммунетишмовчилик ҳолатидаги болаларда СБК кўпинча оғир ва асоратли кечиши кузатилмоқда ва бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини талаб этмоқда.

Кейинги йилларда болалардаги СБК, жумладан СГН ва НСда иммун статусни ўрганиш бўйича салмоқли тадқиқотлар ўтказилган [Умаров Р.Х., 2012; Смирнов, А.В., 2013; Савенкова Н.Д., 2020; Uwaezuokc S.N., 2015; Длин В.В., 2016; Sinico R.A., 2016; Рахманова Л.К., 2018]. Лекин шу вақтгача сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг лимфатик диатезли болаларда ёшга кўра коморбид кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва асоратларини эрта профилактика қилиш масалалари ўрганилмаган.

СГНнинг тез-тез қайталаниш сабабларини таҳлил қилиш, стероидга чидамли ва стероидга тобе турларининг шаклланиши, кўпинча СБЕга ўтиши ва бошқа асоратларнинг ривожланиб бориши шуни кўрсатмоқдаки, СГНнинг бундай турлари шаклланишида айнан фон патологиялари, жумладан касалликни ЛД билан коморбид кечиши муҳим ўрин тутуди, яъни ушбу хол бола организмида мослашув механизмининг бузилиши, иммунпатологик силжишларнинг чуқурлашуви ва касаллик сурункалашув жараёнининг прогрессиясига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда республика бўйича болаларда буйрак патологияларининг кечиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган [Ганиева М.Ш., 2015; Алманова А.Ш., 2016; Даминов Б.Т., 2017; Хамзаев К.А., 2019]. Шу муносабат билан ЛДли болаларда СГН нефротик шаклининг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини ўрганиш, асоратлар ривожланишини башоратлаш ва эрта олдини олиш, даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим бўлиб, ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070071 «Болаларда буйрак ва нафас аъзолари касалликлари ташхиси, даволаш ва профилактикасига янгича ёндошувлар» (2017-2021) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лимфатик диатезли болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг кечиш хусусиятларини аниқлаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали гломерулонефрит, сурункали гломерулонефрит+лимфатик диатез ва лимфатик диатезли болаларда клиник ва лаборатор кўрсаткичлар хусусиятларини баҳолаш;

сурункали гломерулонефрит, сурункали гломерулонефрит+лимфатик диатез ва лимфатик диатезли болаларда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини, С3, С4 комплемент компонентларини ва IL-2 ишлаб чиқарилишини аниқлаш;

сурункали гломерулонефрит, сурункали гломерулонефрит+лимфатик диатез ва лимфатик диатезли болаларда асоратларни прогнозлаш математик дастурини ишлаб чиқиш;

сурункали гломерулонефрит нефротик шакли ва нефротик шаклидаги сурункали гломерулонефрит+лимфатик диатезли болаларда клиник-лаборатор ва иммунпатологик ўзгаришлар комбинацияси асосида даволашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Урганч шаҳар 3-оилавий поликлиникадан ва Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг катта ёшдаги болалар бўлиmidан 2017-2020 йиллар давомида 7-11 ёшдаги 95 нафар лимфатик диатезли сурункали гломерулонефритнинг нефротик шакли билан даволанган беморлар ва Урганч шаҳар 13-ўрта мактабдан 25 нафар шу ёшдаги соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун эрталабки оч қоринга вена қони олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумклиник, лаборатор: умумий қон, пешоб таҳлили, биокимёвий таҳлиллар (мочевина, креатинин, умумий оксил, умумий холестерин, фибриноген, альбумин, гамма-глобулин, Са, кортизол, С-реактив оксил, АСЛ-О), иммунологик (хужайравий, гуморал иммунитет) таҳлиллар, математик моделлаштириш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

лимфатик диатезли болалардаги сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклида иккиламчи иммунетишмовчилик ҳолати таъсири сабабли клиник ва лаборатор ўзгаришларнинг кучайиши асосланган;

лимфатик диатезли болалардаги сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклида иккиламчи иммун етишмовчилик ҳолати сабабли хужайравий ва гуморал иммунитет бузилишлари, С3, С4 комплемент компонентлари, IL-2 цитокини ишлаб чиқарилишининг камайиши оқибатида кўп бўғинли иммунологик етишмовчилик ривожланиши исботланган;

лимфатик диатезли болалардаги сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклида сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор, иммунологик) кўрсаткичларнинг кучли математик комбинацияси туфайли иккиламчи иммунетишмовчилик ҳолати ривожланиши, касалликнинг чўзилувчан ва қайталанувчан кечиши, гормонга чидамли ва гормонга тобе шакллариининг ривожланиши асосланган;

илк бор сурункали гломерулонефрит, сурункали гломерулонефрит+лимфатик диатез ва лимфатик диатез асоратларини прогнозлаш алгоритми ишлаб чиқилган, сурункали буйрак етишмовчилиги ва бошқа асоратларнинг эрта профилактикаси асосланган ва даволашни такомиллаштиришда тизимли энзимотерапиянинг самарадорлиги исботланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг лимфатик диатез билан коморбид кечганда клиник, лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро кучли боғлиқ бўлган комбинациясининг аниқланганлиги СГН, СГН+ЛД ва ЛД турли асоратларини эрта профилактикаси ва прогнозлаш мезони эканлиги аниқланган;

болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг лимфатик диатез билан коморбид кечганда даволашни такомиллаштириш усули тизимли энзимотерапия қўллаш билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** текширувда қўлланилган усуллар ва ёндошувлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг лимфатик диатез билан коморбид кечганда клиник, лаборатор, иммунологик кўрсаткичлар, С3, С4 компонент компоненти функцияси ва IL-2 цитокини ишлаб чиқарилиши хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштириш келажакда ушбу соҳа бўйича республикада янги тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг лимфатик диатез билан коморбид кечганда клиник, лаборатор ва иммунологик статусдаги ўзгаришларни ташхислаш, кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва кучли комбинацияни аниқлаш учун “Болаларда СГН, СГН+ЛД ва ЛД прогнозлаш алгоритми”ни ишлаб чиқилганлиги турли асоратлар ривожланишини эрта олдини олиш, терапия самарадорлигини ошириш, касалхонада даволаниш муддатини камайтириш ва бемор ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Лимфатик диатезли болаларда сурункали гломерулонефритнинг кечиш хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лимфатик диатезли болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг клиник-лаборатор ва иммунологик кечиш хусусиятларини ўрганиш, асоратлар ривожланишини эрта профилактика қилиш ва прогнозлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Лимфатик диатезли болаларда сурункали буйрак касалликларини прогнозлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/496-сон маълумотномаси). Мазкур

услубий тавсиянома болалардаги СГН нефротик шакли, СГН+ЛД ва ЛДда турли хил асоратлар ривожланишини эрта профилактика қилиш ва прогнозлашни амалга ошириш имконини берган;

болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шакли лимфатик диатез билан коморбид кечганда даволашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Лимфатик диатезли болаларда сурункали буйрак касаллигининг иммунтерапия алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабрь 8н-р/537-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гломерулонефрит нефротик шакли ва нефротик шаклдаги сурункали гломерулонефрит лимфатик диатез билан коморбид кечганда клиник, лаборатор ва иммунпатологик жараёнларнинг ўзаро кучли комбинациясига асосан тизимли энзимотерапия препарати вобэнзимни қўллаш билан даволашни такомиллаштириш имконини берган;

болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шакли лимфатик диатез билан коморбид кечганда клиник-лаборатор ва иммунологик хусусиятларга асосланган ҳолда асоратларни эрта профилактика қилиш, прогнозлаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази ва Қорақалпоқ республикаси болалар кўп тармоқли тиббий маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрь 8н-з/261-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган даволаш усули ва прогнозлаш алгоритми орқали сурункали гломерулонефрит нефротик шакли, сурункали гломерулонефрит лимфатик диатез билан коморбид кечганда ва лимфатик диатез билан касалланган болаларга тиббий ёрдам сифатини ошириш, турли хил асоратлар ривожланиш хавфини, ногиронлик, ўлимни камайтириш, касаллик ремиссия даврини узайтириш, бемор ҳаёт сифатини яхшилаш, касалхонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқартириш ва йиллик сарф-харажатни камайтириши хисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманлари ва Ўзбекистон Республикаси педиатрлари ҮШ - съездида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация тадқиқоти натижалари бўйича 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби 5 та боб, кириш, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ҳамда 191 фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Бундан: МДХ-121; чет эл-70. Диссертацияда 27 расм ва 18 жадвал бўлиб, ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалардаги сурункали гломерулонефрит ва лимфатик диатез кечишининг, даволашнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида болалардаги сурункали гломерулонефрит патогенезидаги иммунпатологик механизмлар асосий бўғинларининг назарий жиҳатлари, лимфатик диатезнинг этиологияси, патогенези ва асоратлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар, тизимли энзимотерапия, жумладан вобэнзимнинг патогенетик таъсир механизми таҳлил қилинган, мавжуд ташхисот, даволаш ва профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланувчи иккинчи бобида ретроспектив таҳлил, клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Биз 2014-2017 йиллар давомида ТТА 1-клиникасида СГН нефротик шакли ташхиси билан стационар даволанган 3-17 ёшдаги болаларнинг 175 та касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилдик. Бундан: СГН-141- (*I-гурух*), СГН +ЛД -34 - (*II-гурух*). II-гурухни шакллантиришда касаллик тарихида ёзилган анамнез маълумотлари, ЛД маркерлари ва асосий касалликнинг кечиш хусусиятларига асосландик. Ретроспектив таҳлил асосида маълум бўлдики, болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланганда иккала гуруҳда ҳам ўғил болалар юқори фоизни ташкил қилди: СГН- 91 (64,5%), СГН+ЛД- 22 (64,7%) ва манбалардаги маълумотларга мос келди. Яшаш манзили бўйича қишлоқ контингенти фоизи гуруҳларда юқори бўлди: 114 (81,0%), 28 (82,3%) мос холда. II-гурухда юқори инфекция индекси – 80 (57,0%); 26 (76,4%) ва ЛД га она томондан юқори ирсий мойиллик кўрсаткичи баландлиги аниқланди 8 (6,0%); 27 (78,0%). Ёндош касалликларнинг аниқланиш частотаси иккала гуруҳда ўзаро фарқ қилди. Енгил даражадаги анемия II-гурухга нисбатан I-гурухда юқори фоизга эга бўлди 65 (46,0%); 9 (26,0%), ўрта оғир ва оғир даражалар кўрсаткичи эса I-гурухга нисбатан II-гурухда юқори бўлди 62 (44,0%); 25 (74,0%). Қайталанувчи бронхит 15 (10,6%); 10 (29,4%), сурункали тонзиллит 60 (42,5%); 22 (64,7%), ҚТД 20 (14,2%); 9 (26,4%), аденоидлар 4 (3%); 8 (23,5%) II-гурухда юқори қайд қилинди. Касаллик давомийлиги бўйича ГН бошланишидан СГН-7,5 йил, ўртача 3,9±1,5 йил; СГН+ЛД-9,5 йил, ўртача 4,0±2,0 йил. СГНнинг кечиш характери ва

оқибатини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди; буйрак функцияси бузилиши 21 (15,0%); 6 (18,0%), СБЕга ўтиш 3 (2,0%); 2 (6,0%), ГЧНС ривожланиши 4 (3,0%); 2 (6,0%); ГТНС 9 (6,3%); 4 (11,7%), кўрсаткичлар II-гурухда юқори бўлди. Анемиянинг ўрта оғир ва оғир даражаси, ёндош касалликлар, буйрак функцияси бузилиши, СБЕга ўтиш, ГЧНС, ГТНС ривожланиши СГН нефротик шаклининг ЛД билан коморбид кечишида СГНнинг ЛДсиз кечишига нисбатан юқори фоизни ташкил қилди.

Демак, СГН нефротик шаклининг яқин ва узоқ оқибатларини шаклланиши ва ривожланишида иккиламчи иммун етишмовчилик, шу жумладан ЛД муҳим ўрин тутди.

Биз 2018-2020 йиллар давомида 7 дан 11 ёшгача бўлган 120 нафар болаларни клиник-иммунологик текширувдан ўтказиб, проспектив таҳлил қилдик. Улардан: 35 бола СГН нефротик шакли - I-гурух; 35 бола СГН нефротик шакли ЛД фонида – 2 -гурух; 25 бола ЛД- 3- гурух. Назорат гуруҳи: 7-11 ёшдаги 25 нафар амалий соғлом бола. Текширув базаси: Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (ВБКТТМ) катта ёшдаги болалар нефрология бўлими, Урганч шаҳар 3-оилавий поликлиника ва 13-ўрта мактаб. Клиник ташхис гломерулонефрит анамнез маълумотлари, клиник-лаборатор ва функционал текширув усуллари натижалари асосида КХТ-10 бўйича амалга оширилди. ЛД ташхиси клиник ва лаборатория маълумотлари асосида Вельтищев Ю.Е. (1984) таснифига кўра, диатез турларини халқаро модификацияланган гуруҳланиши ва ЛД маркерлари асосида шакллантирилган.

Нефротик синдром (НС) ташхиси ISKDC (International study of Kidney Disease In Children) (1974-2009) ва APN (Arbeitsgemeinschaft fur Paediatric Nephrology) (1974-2002) тавсияси бўйича қабул қилинган Жаҳон стандарти асосида шакллантирилган.

Буйрак функционал ҳолатини текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди: СГНда буйрак функцияси бузилиши - 6 (17,1%), СГН+ЛД - 10 (28,6%) беморда. СБЕнинг оғир турига ўтиши I-гурухда- 2 (5,7%), 2-гурухда- 4 (11,4%) беморда.

Терапияни такомиллаштириш, иммункоррекция ва беморларда стероидтоксикликни камайтириш мақсадида СГН нефротик шакли ва СГН+ЛДнинг қайталаниш даврида комплекс даволаш таркибида тизимли энзимотерапия препарати - **Вобэнзим** (Мукос Фарма, Германия, таблетка, Ўзбекистонда давлат қайд рақами Б-250-95 №1999), 6 кг тана вазнига 1 таблеткадан кунига, 1 ой давомида тавсия қилинди. Терапиядан олдин I- (СГН- 35 бола) ва II-гурух (СГН+ЛД - 35 бола) беморлари икки гуруҳчага бўлинди: ҳар бир гуруҳдаги 15 бола анъанавий терапия олди (I-гурухча), 20 бола комплекс терапияда вобэнзим препаратини қабул қилди (II-гурухча).

I-гурух анъанавий терапияда ГКС (преднизолон), антиагрегант (курантил), антикоагулянт (гепарин), диуретик (фуросемид, верошпирон), гипотензив (эналаприл), ҳамда кўрсатма бўйича симптоматик терапия қабул


қилди. Тизимли энзимотерапия самарасини баҳолаш учун икки босқичда клиник-иммунологик кузатув олиб борилди: даволашдан олдин, даволашдан 6 ой кейин. Терапия самараси клиник симптомлар йуқолиши, лаборатор кўрсаткичлар, иммунпатологик силжишлар меъёрлашуви ва ремиссия даврининг узайиши асосида баҳоланди ва унга асосланиб вобэнзимни қабул қилиш схемаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Excel дастурий пакети ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш ( $\sigma$ ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичларни (частота,%) ҳисоблаш билан компьютерда статистик ишланди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди.  $p < 0,05$ ;  $p < 0,01$ ;  $p < 0,001$  бўлган ҳолда ўртача катталиклар фарқи ишончли деб ҳисобланди. Клиник-лаборатор, иммунологик кўрсаткичларга ишлов берилганда Ўзбекистон Миллий Университетида Алгоритм ва дастурлаш технологиялари кафедраси профессори, ф.м.ф.д. Игнатъев Н.А. томонидан янги ишлаб чиқилган «интеллектуал маълумотлар тахлили» (ИМТ) математик усулидан фойдаланилди. Мазкур усул асосида лимфатик диатезли болалардаги сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг математик модели ишлаб чиқилди ва олинган маълумотларга статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Лимфатик диатезли болаларда сурункали гломерулонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари**» деб номланувчи учинчи бобида болаларда СГН, СГН+ЛД ва ЛДнинг клиник кечиш хусусиятлари, ЛД маркерлари, клиник-лаборатор кўрсаткичларни ўрганиш ҳамда сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор) белгилар комбинациясини баҳолаш натижалари ёритилган.

Биз 2018-2020 йиллар давомида 7 дан 11 ёшгача бўлган 120 нафар болаларни клиник-иммунологик текширувдан ўтказдик. Улардан: 35 бола СГН нефротик шакли - 1-гуруҳ; 35 бола СГН нефротик шакли ЛД фониди - 2-гуруҳ; 25 бола ЛД- 3- гуруҳ. Назорат гуруҳи: 7-11 ёшдаги 25 нафар амалий соғлом бола.

Текширувдаги болаларда ЛД клиник-лаборатор маркёрларини аниқлаш бўйича кўрсаткичларни баҳолашда II- (СГН+ЛД) ва III- (ЛД) гуруҳларда (1-расм) статистик ишончли ( $p < 0,001$ ;  $p < 0,05$ ;) қуйидаги частоталар аниқланди: юқори инфекция индекси 31 (88,5%), 20 (80,0%); тана тузилиши диспропорцияси 17 (48,5%), 11 (44,0%); юз салқини 28 (80,0%), 13 (52,0%); гипотония ва гиподинамия 33 (94,3%), 22 (88,0%); нерв лабиллик 25 (71,4%), 15 (60,0%); тимомегалия 14 (40,0%), 9 (36,0%); брадикардия 16 (45,7%), 9 (36,0%); “фонтансимон қусиш” 13 (37,1%), 6 (24,0%); лимфоцитоз 27 (77,0%), 15 (60,0%); ЭЧТ ортиши 28 (80,0%), 10 (40,0%); зардобдаги IgA камайиши 23 (64,2%) 12 (48,1%); ва моноцитоз 14 (40,0%), 10 (40,0%); кўрсаткичлар III-гуруҳга нисбатан II-гуруҳда яққол намоён бўлди.



**1-расм. Текширилган болаларда ЛД клиник-лаборатор маркерларининг аниқланиши.**

Бундан ташқари ЛД маркёрларининг айримлари иккала гуруҳда ҳам юқори фоизни ташкил этиб, намоён бўлиш жиҳатидан ўзаро кам фарқланди, булар: онада ҳомиладорлик ва туғруқнинг патология билан кечиши 35 (100,0%), 24 (97,0%); катта вазн билан туғилиш 18 (51,4%), 24 (96,0%); ЛДга ирсий мойиллик 23 (65,7%), 17 (68,0%); периферик лимфа тугунлар катталашуви 28 (80,0%), 21 (84,0%); сурункали инфекция ўчоғи 34 (97,0%), 25 (100,0%); чақалоқлик патологияси 14 (40,0%), 10 (40,0%); аллергияга мойиллик 15 (42,9%), 10 (40,0%); “хўроз қичқирғи” йиғиси 10 (28,6%), 6 (24,0%); эндокрин тизим дисфункцияси 14 (40,0%), 10 (40,0%) ва йирик вазнли бола 14 (40,0%), 10 (40,0%). Ушбу ҳол шуни тасдиқлайдики, ЛД маркёрларининг намоён бўлиш даражаси ёндош патология кўшилиши ва кечишининг оғирлигига боғлиқдир, масалан СГН нефротик шакли.

СГН ва СГН+ЛДда НС клиник кўринишини текширув гуруҳидаги болаларда баҳолашда биринчи ва учинчи гуруҳга нисбатан 2-гуруҳда куйидаги симптомларни статистик ишончли юқори эканлиги аниқланди: тери қоплами “бўрсимон” оқариши 22 (62,8%), 26 (74,2%), 6 (24%); толиқиш 23 (65,7%); 27 (77,1%), 20 (80,0%); тарқоқ шишлар 1 (2,9%), 3 (9,0%), 0 (0%); иштаҳа пасайиши 13 (37,1%), 16 (45,7%), 3 (12,0%), мусбат тукиллатиш симптоми 22 (65,0%), 29 (72,5%), 0 (0%); асцит 7 (20,0%), 11 (31,4%), 0 (0%); гепатомегалия 20 (57,1%), 23 (65,7%), 1 (4,0%) мос ҳолда ( $p < 0,05$ ).

Асосий касалликка статистик ишончли ( $p < 0,05$ ) куйидаги патологиялар ҳамроҳ бўлди ва барча гуруҳларда турлилиги билан ҳарактерланди: анемия 23 (66,0%), 26 (74,2%), 13 (52,0%); пневмония 1 (2,9%), 4 (11,4%), 2 (8,0%); қайталанувчи бронхит 3 (8,6%), 7 (20,0%), 8 (32,0%); сурункали тонзиллит 20 (57,0%), 29 (83,0%), 19 (76,0%); аденоидлар 1 (2,9%), 14 (40,0%), 7 (28,0%); ҚБГ 3 (8,6%), 9 (26,0%), 8 (32,0%); аллергия 1 (2,9%), 3 (8,6%), 5 (20,0%) мос ҳолда. Анемия даражалари бўйича ўрганилганда аниқландики, СГН ЛД билан коморбид кечганда касалликнинг ўрта оғир 18 (51,4%) ва оғир турлари 4 (11,4%) СГН ва ЛД гуруҳлари билан таққослаганда юқори фоизни ташкил қилди. Кузатувдаги болаларда статистик ишончли ( $p < 0,05$ ) Иценко-Кушинг синдроми аниқланган бўлиб I-гуруҳга нисбатан II-гуруҳда кўрсаткич юқорилиги қайд қилинди. Бу ҳол шундан далолат берадики, болаларда СГН прогрессияси туфайли стероидлар, шу жумладан преднизолонни узок қабул қилиш стероид токсиклик ривожланишига олиб келади ва СГН ЛД билан коморбид кечганда кучаяди 3 (8,6%), 4 (11,4%). Бундан ташқари манбалардаги маълумотларни тасдиқлаб, II-ва III-гуруҳ болаларида кўпинча ЛДда қайд қилинувчи нуқсонли ривожланиш патологиялари - “бўри танглай” 1 (2,9%) ва миопия 3 (8,6%); 1 (4,0%) қайд қилинди. Олинган натижалар шуни тасдиқлайдики, СГН ЛД билан коморбид кечганда клиник белгиларининг намоён бўлиши ўз хусусиятига эга, яъни ЛД клиник маркёрлари ва СГН симптомлари частотаси ортади, ўз навбатида бир-бирини кучайтиради. Шу билан бирга ёндош касалликларнинг кўшилиши ҳам ўз хусусиятига эга бўлиб, аниқланиш частотаси бўйича I- (СГН) ва III-(ЛД) гуруҳлар билан таққосланганда иккинчи гуруҳда (СГН+ЛД) юқори фоизни ташкил этади. Лаборатор маълумотлари натижалари таҳлилига кўра, назорат гуруҳ билан таққосланганда СГН, СГН+ЛД ва ЛДда ишончли тарзда гемоглабин, эритроцит кўрсаткичи меъёрдан кам ( $p < 0,001$ ), лейкоцит, лимфоцит, моноцит ва ЭЧТ меъёрдан юқори бўлди ( $p < 0,001$ ). Таъкидлаш жоизки, II-гуруҳ болаларида умумий оқсил кўрсаткичи I- ва III-гуруҳга нисбатан 1,70 мартага кам бўлди ( $p < 0,05$ ). Ушбу ҳол оқсил спекторида альбумин кўрсаткичини II-гуруҳда 1,30 мартага ( $p < 0,05$ ) ва кортизол гормонини 1,20 мартага ( $p < 0,05$ ) камайишида намоён бўлди. Гамма-глобулин фракциясининг миқдори эса аксинча 1,02 мартага ( $p < 0,05$ ) ва 1,03 ( $p < 0,05$ ) мартага СГН ва СГН+ЛД гуруҳларида мос равишда назорат гуруҳ ва ЛД билан таққосланганда ортиши кузатилди. СГН ва СГН+ЛД гуруҳларида мочевина ва креатинин миқдори назорат гуруҳи билан таққосланганда 1,70 ( $p < 0,05$ ) ва 1,80 ( $p < 0,05$ ) мартага прогрессив тарзда ортиши кузатилди.

Пешоб лаборатор таҳлили натижалари бўйича СГН ва СГН+ЛД гуруҳларида пешоб солиштира оғирлиги ва коптокчалар фильтрацияси тезлигининг пасайиши аниқланди ( $p<0,001$ ;  $p<0,01$ ;  $p<0,05$ ). I- II- ва III-гуруҳлар ўзаро таққосланганда I- II- гуруҳда протеинурия, эритроцитурия ва лейкоцитурия ишончли тарзда меъёрдан юқори бўлди ( $p<0,001$ ;  $p<0,01$ ).

Беморлар ЭКГси таҳлилида аниқландики, СГНда анемия белгиси сифатида миокард метаболизми бузилиши 21 (60,8%) ни, СГН+ЛДда 28 (80,0%) ни ташкил қилди, ушбу ҳол СГН+ЛДда СГНга нисбатан анемия оғир турда кечишидан далолат беради. Шундай қилиб, болаларда СГН ЛД билан коморбид кечиши ўзига ҳос клиник-лаборатор хусусиятга эга ва олинган қон ва пешоб кўрсаткичларининг натижалари бундай беморлар учун ташҳис тести сифатида хизмат қилиши мумкин. Биз томондан СГН, СГН+ЛД ва ЛДда сифатий (клиник) белгилар комбинациясини текшириш натижасида аниқ касалликни ташҳис қилиш жараёнида ҳар бир симптомнинг номинал сифатий белгисининг салмоғи баҳоланди ва аниқланган белгининг юқори информативлиги исботланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Текширилган болаларда информатив-сифатий (клиник) кўрсаткичлар

Сифатий кўрсаткичлар	Номинал белгилар салмоғи (даволашдан олдин)		
	СГН, n=35	СГН + ЛД, n=35	ЛД, n=25
<b>СГН клиник симптомлари</b>			
шиш	1,0000	1,0000	0,02143
олигоурия	1,0000	1,0000	0,13453
холсизлик	0,56315	0,88732	0,86711
«бўрсимон» оқариш	0,89517	1,0000	0,66912
иштаха пасайиши	0,99176	0,61546	0,12145
тахикардия	0,65185	0,87527	0,31763
кўнгил айниши	0,55376	0,75384	0,45154
қайт қилиш	0,35814	0,71654	0,44372
гепатомегалия	0,34497	0,58736	0,02243
анурия	0,67546	0,79833	0,01126
бош оғриши	0,46124	0,73424	0,52817
асцит	0,77684	0,94576	0,01118
<b>ЛД клиник маркёрлари</b>			
ҳомиладорликни патология билан кечиши	0,05254	1,0000	1,0000
катта вазн билан туғилиш	0,31485	0,65824	0,91692
периферик лимфа тугунлар катталашуви	0,57854	1,0000	1,0000



сурункали инфекция ўчоғи	0,52886	1,0000	1,0000
юзнинг салқиши	0,72435	0,89562	0,87696
тана тузилиши диспропорцияси	0,11102	0,96723	0,63612
нерв лабиллик	0,44434	0,78245	0,98713
юқори инфекция индекси	0,47543	1,0000	0,87362
тимомегалия	0,01383	0,71434	0,78965
«фонтансимон кусиш»	0,21344	0,84596	0,73413

Изоҳ: олинган рақамлар даволашдан олдин кўрсаткичлар орасидаги фарқлар даражаларининг белгилари.

СГН ва ЛД учун характерли бўлган микдорий (лаборатор) кўрсаткичларнинг математик таҳлили натижасида юқори информатив салмоққа куйидагилар эга бўлди: СГНда - фибриноген (1,00000), протеинурия (0,96316), мочевино (0,96316), умумий оксил (0,93750); альбумин (0,88796), гемоглабин (0,70385), СГН+ЛДда - протеинурия (1,00000), С-реактив оксил (1,00000); гамма-глобулин (1,00000), кортизол (0,98571), умумий холестерин (0,97143), умумий оксил (0,87143), эритроцитлар (0,74286), мочевино (0,72857), эритроцитурия (0,51429), ЛДда - кортизол (1,00000), лимфоцитлар (0,91436), моноцитлар (0,80000), С-реактив оксил (0,80000), қондаги кальций (0,88409).

Олинган клиник-лаборатор натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, болаларда СГН нефротик шакли, СГН+ЛД ва ЛДда гломерулонефрит ва лимфатик диатез клиник симптомларининг полиморфизмлиги, коморбидлик ва касаллик маркёрлари манифестацияси, тез-тез қайталаниш ва патологик жараён ремиссия даврининг қисқариши билан характерланади. Беморларни объектив текширув маълумотлари ҳам СГН+ЛДда нефротик синдром симптомлари ва ЛД маркёрларининг яққол намоён бўлиши ва касалликнинг оғир кечишини тасдиқлади.

Биз қўллаган “маълумотлар интеллектуал таҳлили” янги математик моделлаштириш усули СГН ва ЛДнинг алоҳида белгиларини ўзига хослик ва аҳамиятлилик даражасини аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга ушбу контингент беморларда СГН нефротик шаклининг ҳар бир варианты (ГТНС, ГЧНС) ўз хусусиятига эга эканлиги ва бу клиник ва лаборатор кўрсаткичлар бўйича сифатий ва микдорий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини бериши аниқланди.


Информатив салмоқликни баҳолаш бўйича олинган маълумотлар асосида СГН ва ЛД учун тўлиқ ишончли ва аҳамиятли бўлган сифатий ва микдорий белгилар аниқланади ва булар ташҳис қўйишда, СБЕ ва бошқа турли асоратларни эрта аниқлаш ва профилактикасида муҳим роль ўйнайди.

Диссертациянинг “**Лимфатик диатезли болалардаги сурункали гломерулонефритда иммунологик силжишлар тавсифи**” деб номланувчи

тўртинчи бобида болаларда СГН, СГН+ЛД ва ЛДда иммунологик кўрсаткичлар таҳлили ҳамда сифатий (клиник) ва миқдорий (иммунологик) белгиларни баҳолаш натижалари ёритилган. Бизнинг текширувда иммун статусни баҳолаш хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолати, IL-2 цитокини ишлаб чиқарилиши ҳамда С3, С4 комплемент компонентлари концентрациясини динамикада ўрганишдан иборат бўлди. Хужайравий ва гуморал звено иммунитетини кўрсаткичлари таҳлили натижасида аниқландики, назорат гуруҳ билан таққосланганда ишонарли тарзда болалардаги СГН ва ЛДда Т-хужайравий звено етишмовчилиги қайд қилинди, яъни ишонарли Т-лимфоцитлар (СД3), Т-хелперлар (СД4), Т-супрессорлар (СД8) ва нейтрофиллар фагоцитар фаоллигининг (НФФ) пасайиши аниқланди. Гуморал иммунитет томонидан назорат гуруҳ билан таққосланганда ишонарли тарзда В-лимфоцитлар (СД19), АБЛ-бўйрак, АБЛ-ўпка, АИК ортиши ( $p < 0,001-0,01$ ) ва IgA камайиши аниқланди ( $p < 0,001-0,01$ ).

СГНнинг бошланғич даврида ёки касалликни даволашдан олдин аниқланган иммун бузилишлар яллиғланиш реакциялари назорат механизми мувозанатининг бузилишидан дарак беради. СГН шаклланишининг патогенетик асоси бўлган организмнинг яллиғланишга қарши ҳимоя тизими адекват реакциясининг йўқлиги, айнан бўйрак тўқимасига нисбатан иммун яллиғланишли шикастланишининг прогрессияси касаллик оқибатининг ёмонлашувиغا олиб келади. Хужайравий ва гуморал иммунитет звеноси мувозанатининг бузилиши, антитана, АБЛ-бўйрак, АБЛ-ўпка ишлаб чиқарилишининг кучайиши ва қонда айланувчи иммун комплекслар ҳосил бўлиши оқибатида бўйракнинг аутоиммун зарарланиши ва СБЕ ривожланади.

Кузатувимиздаги болаларда IL-2 цитокини ишлаб чиқарилиши ва С3, С4 комплемент компонентлари кўрсаткичлари ҳам текширилди. 2-расмда кўрсатилганидек, IL-2 цитокини ишлаб чиқарилиши назорат гуруҳ билан таққосланганда барча гуруҳларда статистик ишонарли тарзда паст бўлди ( $p < 0,01-0,05$ ). II-гуруҳ болаларида IL-2 кўрсаткичи I- ва III-гуруҳлар билан таққосланганда сезиларли даражада паст бўлди ( $p < 0,001$ ). Маълумки, IL-2 қуйидаги муҳим хоссаларга эга: фаол Т-хужайрани апоптоздан сақлаш; иммунологик толерантлик ривожланишига тўсқинлик қилиш ва тўхтатиш. IL-2 аутокрин Th1-хужайраларга ва паракрин Th2-хужайра субпопуляциясига таъсир этади, Th1/Th2 мувозанатига таъсир қилиб CD8-лимфоцитлар цитотоксик фаоллигини стимуллайди ва Т-хужайра популяциялари шаклланишини таъминлайди. Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, Th1 ва Th2 ўртасидаги цитокин мувозанатининг бузилиши иммун жавоб бузилиши йўналишини белгилайди, ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилиш мувозанатининг ўзгариши бошқаруви издан чиққан яллиғланиш ва аутоиммун патологиялар, шу жумладан СГН ва СГН+ЛДда патогенетик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.



**2-расм. Текширилган болаларда IL-2 ишлаб чиқиш кўрсаткичи.**

Олинган натижаларни (2-жадвал) назорат гуруҳ билан таққосий баҳолаш С3, С4 компонентлар кўрсаткичларининг статистик ишонарли камайишини кўрсатди ва бу I-ва III-гуруҳларга нисбатан II-гуруҳда яққол (1,5 мартага) намоён бўлди ( $P < 0,001-0,01$ ). Организмда комплемент тизими фаоллашувининг бошқаруви аниқ мувозанатланган бўлиб, бундай беморларда гломерулаларнинг қаттиқ интрамембраноз депозитлар зарарлаши характерли ва бу фақат электрон микроскоп усули билан ташхисланади.

**2-жадвал**

**Текширилган болаларда С3, С4 комплемент компонентлари даражаси,  $M \pm m$**

Нозология	Қондаги С3, С4 комплемент компонентлари	
	С3 компонент, г/л	С4 компонент, г/л
Назорат; n=25	1,8±0,12	0,4±0,13
СГН, n=35; I-гуруҳ	0,92±0,16**	0,2±0,18**
СГН+ЛД, n=35; II-гуруҳ	0,74±0,16* #	0,11±0,16** #
ЛД, n=25; III-гуруҳ	1,04±0,16**	0,3±0,18*

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли \*- $P < 0,001$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,05$ . #- фарқлар 1- 2-гуруҳ ўртасидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли.

Бизнинг тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, С3-гломерулопатия патогенезида, жумладан иммун комплекс гломеруляр касалликларда комплемент бошқарувининг альтернатив йўли бузилиши муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун асослаш мумкинки, СГН нефротик шакли ЛД билан коморбид кечганда С3, С4 комплемент компонентлари кўрсаткичи

паст бўлган ҳолда С3-гломерулопатия майдонида мембранопрлифератив гломерулонефрит шаклланиши мумкин.

Шундай қилиб, ўтказилган иммунологик текширувлар натижалари тасдиқлайдики, организм иммун тизими лимфа тизим, шу жумладан барча лимфоид аъзолар жамланмаси ва лимфоид ҳужайралар тўпламлари функцияси билан қатъий боғланган бўлиб, улар иммун ҳимоя механизмида муҳим роль ўйнайди ва иммун реактивликнинг ўзига хос жараёнларини амалга оширувчи антиген-структура гомеостази (АСГ) шаклида намоён бўлади.

